
ПАРИЖДА БЎЛИБ ЎТАЁТГАН ПАРА ЕНГИЛ АТЛЕТИКА БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ФАРҶОНА ВИЛОЯТИ СПОРТЧИЛАРИ УЧИНЧИ МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТИШДИ

Франция пойтахти Париж шаҳри мезбонлик қилаётган пара енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионатида вилоятимиз спортчилари учинчи медални қўлга киритишди.

Аёллар ўртасида F35 классида ядро улоқтириш дастурида ҳамюртимиз Дилафруз Аҳмадхонова 8 метр 84 см натижа билан бронза медалига сазовор бўлди.

Аввалроқ, эркалар ўртасида F57 классида баҳсларда Ёрқинбек Одилов найза улоқтириш дастурида 49 метр 39 см натижа билан, F57 классида аёллар ўртасида диск улоқтириш бўйича Моҳигул Ҳамдамова 30.51 метр натижа билан иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медалларга сазовор бўлишганди.

Қувонарлиси, ҳар уччала вакилимиз ҳам ушбу натижалар орқали Париж-2024 ёзги Паралимпия ўйинларига йўлланмани ҳам қўлга киритдилар.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2023-07-17 12:05:01